

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc 03/30.12.2019. Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ”
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ**

РАЖАПБАЕВ МАҚСУД ХАЛЛИЕВИЧ

**ЗАМОНАВИЙ ГЕОДЕЗИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА
ГИДРОТЕХНИКА ИНШООТЛАРИНИНГ ЧЎКИШИНИ ВА
СИЛЖИШИНИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ УСУЛИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ (Жиззах сув омбори мисолида)**

11.00.06 – Геодезия. Картография

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа (PhD) доктори диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Ражапбаев Мақсуд Халлиевич

Замонавий геодезик технологиялар асосида гидротехника
иншоотларининг чўкишини ва силжишини мониторинг қилиш
усулини такомиллаштириш (Жиззах сув омбори мисолида)..... 3

Ражапбаев Мақсуд Халлиевич

Совершенствование метода мониторинга проседания и смещения
гидротехнических сооружений на основе современных геодезических
технологий (на примере Джизакского водохранилища)..... 21

Rajapbaev Maksud

Improving the method of monitoring subsidence and displacement of
hydraulic structures based on modern geodetic technologies (using the
example of the Jizzakh reservoir)..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc 03/30.12.2019. Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ”
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ**

РАЖАПБАЕВ МАҚСУД ХАЛЛИЕВИЧ

**ЗАМОНАВИЙ ГЕОДЕЗИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА
ГИДРОТЕХНИКА ИНШООТЛАРИНИНГ ЧЎКИШИНИ ВА
СИЛЖИШИНИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ УСУЛИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ (Жиззах сув омбори мисолида)**

11.00.06 – Геодезия. Картография

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2024

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2024.1.PhD/Т4542 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tiame.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Нурматов Эркин Хайитматович
техника фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Янгиев Асрор Абдихамидович
техника фанлари доктори, профессор

Исаков Эркин Хўжаёрович
техника фанлари номзоди, профессор

Етакчи ташкилот:

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети

Диссертация ҳимояси “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети ҳузуридаги DSc 03/30.12.2019. Т.10.02 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2024 йил « _____ » соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100000, Тошкент ш, Қори Ниёзий кўчаси, 39 уй. Тел.: (+99871) 237-09-71, факс: (+99871) 237-54-79, e-mail: admin@tiame.uz)

Диссертация билан “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент ш, Қори Ниёзий кўчаси, 39 уй. Тел.:(+99871) 237-19-45.

Диссертация автореферати 2024 йил « _____ » _____ куни тарқатилди.

(2024 йил « _____ » _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Т. Салоҳиддинов

Бир марталик илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Ф.А. Гаппаров

Бир марталик илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор

Э.Ю. Сафаров

Бир марталик илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш асосидаги бир марталик
илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори PhD диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ва унинг турли минтақаларида бугунги кунга қадар 40000 дан ортиқ сув омборлари мавжуд бўлиб, улардан хавфсиз ва самарали фойдаланиш ҳамда иншоотларнинг эксплуатацион ишончилиги ва фойдаланиш муддатларини узайтириш масалаларига алоҳида аҳамият берилмоқда. Ҳозирги кунда ривожланган мамлакатларда «...сув омборлари хавфсизлигини таъминлашда мавжуд иншоотлар эксплуатацион ишончилигини асослаш зарурати белгиланган»¹. Бу борада, жумладан гидротехника иншоотларининг рақамли моделини яратиш, геомаълумотлар базасини шакллантириш, сув омборларидаги гидротехника иншоотларининг вертикал чўкиши ва горизонтал силжишини аниқлаш, техник ҳолатини мунтазам мониторинг қилиш, замонавий геодезик технологиялар ёрдамида тезкор баҳолаш асосида эксплуатацион самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда гидротехника иншоотларини фойдаланиш ва реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш, реставрация қилиш ёки консервация қилиш, гидротехника иншоотларини вертикал чўкиши ва горизонтал силжиши жараёнларини замонавий геодезик асбобларни қўллаган ҳолда мониторинг қилиш усулларини такомиллаштиришга йўналтирилган мақсадли илмий тадқиқот ишларини олиб бориш алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу соҳада, хусусан гидротехника иншоотларининг вертикал чўкиши ва горизонтал силжишини рақамлаштирилган технологиялар асосида мониторинг қилиш орқали аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг техник ва технологик ечимлари бўйича тадқиқотлар устивор ҳисобланади. Шу билан бирга, сув омборининг электрон рақамли харитасини тузиш ва тўғонининг рақамли уч ўлчамли моделини яратиш усуллари такомиллаштирилган усули муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Республикамизда замонавий геодезик технологиялар асосида гидротехника иншоотларининг чўкишини ва силжишини мониторинг қилиш усулини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 17 декабрдаги 792-сонли “Республиканинг сейсмик фаол ҳудудларида жойлашган сув омборларида инструментал сейсмологик кузатувларни доимий амалга ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги Қарори²да белгиланган талабларга кўра республиканинг сейсмик фаол ҳудудларида жойлашган сув омборларида сейсмологик кузатувларни доимий амалга ошириш тизимини босқичма-босқич жорий этиш ва такомиллаштириб бориш вазифалари белгиланган бўлиб, бу борада Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазирлиги (“Давсувхўжаликназорат” инспекцияси) томонидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-60-сон 2022 йил 28 январдаги 2022 - 2026 йилларга

¹ <https://doi.org/10.1016/j.jfluidstructs.2017.10.005>

² <https://lex.uz/docs/5170821>

мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисидаги Фармонининг 31-мақсадига мувофиқ «...787 та гидротехник иншоотларини реконструкция қилиш» вазифаси белгиланган. Мазкур вазифани амалга ошириш, жумладан сув омборларидаги гидротехника иншоотларининг вертикал чўкиши ва горизонтал силжишини кузатишда шаффофлик ва очиқлик тамойилини жорий этиш талаблари ижросини таъминлаш мақсадида барча сув объектларини рақамлаштириш ва геомаълумотлар базасини шакллантириш ҳамда уларни вертикал чўкиши ва горизонтал силжишини мониторинг қилиш усулини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 30 августдаги ЎРҚ-865-сон “Гидротехника иншоотлари хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июлдаги ПҚ-4794-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 ноябрдаги 499-сонли “Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида”ги, 2020 йил 17 декабрдаги 792-сонли “Республиканинг сейсмик фаол ҳудудларида жойлашган сув омборларида инструментал сейсмологик кузатувларни доимий амалга ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Ахборотлаштириш ва ахборот - коммуникация технологияларини ривожлантириш» ва

IX. «Техника» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Соҳага тегишли илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, гидротехника иншоотларини ўрганиш ва лойиҳалашда топографик ҳамда геодезик ишларининг тўғрилигини таҳлил қилиш бўйича чет эл олимлари билан бир қаторда республикамизда ҳам бир қанча олимлар томонидан тадқиқот ишлари олиб борилган. Бинобарин, гидротехника иншоотларини ўрганиш ва лойиҳалашда топографик ҳамда геодезик ишларининг тўғрилигини таҳлил қилишнинг назарий, амалий ва услубий асосларини таҳлил қилиш юзасидан Ю.К. Неумывакин, Петр Стрижек, S. Sivakumar, N. Almas Begum, P.V. Premalatha, W.G. Bligh, E.W.Lane ва бошқалар тадқиқ этишган. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида: А.В. Маслов, К. Терзага, Н.Э. Жуковский, С.А. Чаплигин, Н.Н. Павловский, М.Д. Чертоусов, И.И. Леви, М.А. Великанова, Н.М.Герсеванов, Н.П. Пузыревский, Г.Н. Маслов, А.А. Никифорович ва бошқа олимларнинг илмий асарларида тупроқ механикаси, гидромеханика ва гидротехника, иншоотлар ва очиқ каналлар гидротехникаси, чўкиндиларнинг ҳаракати назарияси ва услубий асослари юзасидан тадқиқот ишларини олиб боришган.

Ўзбекистонда сув омборлари ва улардаги гидротехника иншоотларини куриш, тадқиқ қилиш, лойиҳалаш, эксплуатация қилиш, топографик-геодезия

жиҳатдан таҳлил қилиш ва уларнинг деформация жараёнлари жадаллигини баҳолаш бўйича тадқиқотлар Х.М. Мубораков, А.С. Суюнов, Ш.Қ. Авчиев, Д.О. Жўраев, С.А. Тошпўлатов, Э.Х. Нурматов, М.Р. Бакиев, Д. Р. Базаров, Ф.А. Гаппаров, Н.Н.Рахматов, Ж.Ж. Нарзиев, Х.Ж. Хайитов, Ф. Улжаев ва бошқа олимлар изланишлар олиб борганлар ва ижобий натижаларга эришишган. Аммо юқорида келтирилган олимлар ва тадқиқотчилар илмий ишларида гидротехника иншоотларининг вертикал чўкиши ва горизонтал силжишини замонавий геодезик технологиялар асосида мониторинг қилиш бўйича тадқиқот ишлари олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети илмий - тадқиқот ишлари режасининг «Бино ва иншоотларнинг деформациясини топо-геодезик усуллар асосида аниқлаш» (2015–2017), Европа иттифоқи Erasmus+ 585718-EPP-1-2017-1-HUEPPKA2-SBHE-GP халқаро лойиҳасининг «DSinGIS: Геоинформатика соҳасида докторантура» (15.10.2017–14.10.2020) мавзусидаги амалий тадқиқотлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади замонавий геодезик технологиялар асосида гидротехника иншоотларининг чўкишини ва силжишини мониторинг қилиш усулини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

Жиззах сув омбори тўғонининг географик жойлашувига кўра қўшимча реперларни ўрнатиш;

гидротехник иншоотларнинг чўкмаларини ўрганиш бўйича ғоваклик коэффициентининг қийматларини ишлаб чиқиш;

Жиззах сув омборининг электрон рақамли харитасини тузиш ва сув омбори тўғонининг рақамли уч ўлчамли моделини яратиш;

Жиззах сув омбори тўғонини вертикал чўкиши ва горизонтал силжишини мониторинг қилиш ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида Жиззах вилояти Жиззах сув омбори тўғони олинган.

Тадқиқотнинг предметини Жиззах сув омбори тўғонининг топо-геодезик асоси, давлат геодезик планли ва баландлик тармоқлари, сунъий йўлдош GNSS геодезик тармоқлари, реперлар, космо ва аэросуратлар ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида Жиззах сув омборининг хусусиятларига кўра гуруҳлаш, дала ўлчаш ишлари, натижаларни математик қайта ишлаш, маълумотларни рақамли картографик модель кўринишида геовизуаллаштириш каби усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

эгрини режалаш усули асосида, Жиззах сув омбори тўғонига тушаётган сув босими юки инобатга олиниб, тўғоннинг чўкиши ва силжишини юқори аниқликда кузатиш учун 25 та қўшимча реперлар ўрнатилган ва реперлар сони 12 тадан 37 тага етказилган;

замонавий қурилмалардан фойдаланиб, гидротехник иншоотларнинг чўкадиган грунтлардан олинган чўкмаларни дала ўлчаш натижаларини қайта ишлаш асосида ғоваклилик коэффицент қийматлари асосланган;

Жиззах сув омборининг электрон рақамли харитасини тузиш ва тўғонининг рақамли уч ўлчамли моделини яратиш усуллари такомиллаштирилган;

сув омборлари тўғонини вертикал чўкиши ва горизонтал силжишини мониторинг қилиш усуллари таққосланган ва мониторинг натижаларидан фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Жиззах сув омбори тўғонининг вертикал чўкиши ва горизонтал силжишини юқори аниқликда мониторинг қилиш учун қўшимча реперлар ўрнатилган;

ғоваклик коэффиценти асосида гидротехника иншоотларнинг чўкмаларини аниқлаш бўйича таҳлилий ишлар амалга оширилган;

Жиззах сув омборининг рақамли харитаси тузилган ва сув омбори тўғонининг рақамли уч ўлчамли модели ишлаб чиқилган;

Жиззах сув омбори тўғонини вертикал чўкиши ва горизонтал силжишини мониторинг қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлиги таҳлилий кўрсаткичларни Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва Жиззах вилояти сув хўжалиги бошқармаси ҳамда сув омборлари бошқармаси ҳамда “Давсувхўжаликназорат” инспекциясидан олинганлиги, аниқланган натижалар умумий эътироф этилган қонуниятларга мослиги, сув омборлари тўғонининг вертикал чўкиши ва горизонтал силжиши бўйича мониторинг ишларини олиб бориш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар ишлаб чиқаришга тадбиқ этилганлиги билан изоҳланади. Шунингдек, тадқиқот натижасида яратилган электрон рақамли харита ва тўғонининг уч ўлчамли модели соҳага тегишли ташкилотлар томондан тасдиқланганлиги билан эътироф этилади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти замонавий қурилмалардан фойдаланиб, тўғоннинг вертикал чўкиши ва горизонтал силжишини кузатиш орқали гидротехник иншоотларнинг чўкадиган грунтлардан олинган чўкмаларни ғоваклилик коэффицент қийматлари асосланганлиги, сув омборининг электрон рақамли харитасини тузиш ва тўғонининг рақамли уч ўлчамли моделини яратиш усуллари такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти сув омбори тўғонининг вертикал чўкиши ва горизонтал силжишини юқори аниқликда мониторинг қилиш имконияти яратилганлиги, Жиззах сув омборининг рақамли харитаси тузилганлиги ва сув омбори тўғонининг рақамли уч ўлчамли модели ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Замонавий геодезик технологиялар асосида гидротехника иншоотларининг чўкишини ва

силжишини мониторинг қилиш усулини такомиллаштириш (Жиззах сув омбори мисолида) бўйича олинган натижалар асосида:

Жиззах сув омбори тўғонида 25 та қўшимча репер ўрнатилган ва мазкур реперлар Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазирлигининг Жиззах вилояти сув омборларидан фойдаланиш бошқармаси амалиётига жорий этилган. (Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 20 декабрдаги 05/11-827-сонли маълумотномаси). Натижада, Жиззах сув омбори гидротехника иншоотларининг чўқишини ва силжишини юқори аниқликда мониторинг қилиш имконияти яратилган;

Ҳоваклик коэффициентининг қийматлари аниқлаш усули Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазирлигининг Жиззах вилояти сув омборларидан фойдаланиш бошқармаси амалиётига жорий этилган. (Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 20 декабрдаги 05/11-827-сонли маълумотномаси). Натижада, чўкадиган грунтларда қурилган гидротехника иншоотларининг чўкмаларини ўрганиш имконияти яратилган;

Жиззах сув омборининг электрон рақамли харитаси ва тўғонининг рақамли уч ўлчамли модели Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазирлигининг Жиззах вилояти сув омборларидан фойдаланиш бошқармаси амалиётига жорий этилган. (Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 20 декабрдаги 05/11-827-сонли маълумотномаси). Натижада, сув омборларини рақамлаштириш ва уч ўлчамли моделини яратиш имконияти йўлга қўйилган;

сув омборлари тўғонини вертикал чўқиши ва горизонтал силжишини мониторинг қилиш бўйича тавсиялар Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазирлигининг Жиззах вилояти сув омборларидан фойдаланиш бошқармаси амалиётига жорий этилган. (Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 20 декабрдаги 05/11-827-сонли маълумотномаси). Натижада, республикамиздаги мавжуд сув омборлари тўғонини юқори аниқликда вертикал чўқиши ва горизонтал силжишини мониторинг қилиш учун ишлаб чиқилган тавсия асосида юқори аниқликдаги дала тадқиқот ишларини олиб бориш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган ва маъқулланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 17 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилди. Шу билан бирга 1 та дарслик, 1 та ўқув қўлланма ва 1 та монография нашр этирилган.


Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 116 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация тадқиқотининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари шакллантирилиб, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиб берилиб, тадқиқот натижаларини жорий қилинганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Гидротехника иншоотлари, уларни тадқиқ этиш, лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация қилиш**» деб номланган биринчи бобида гидротехника иншоотлари ва гидротизимлар ҳамда уларнинг таснифи, гидротехника иншоотларини лойиҳалаш учун топографик планлардан олинган дастлабки маълумотларнинг аниқлиги ҳамда сунъий йўлдош орқали ўлчаш хатоси ва сув омбори тўғонининг вертикал чўкиши ва горизонтал силжишини ўлчашда бажариладиган геодезик ишлар каби масалалар ёритилган.

Грунтли тўғоннинг кўндаланг кесма шакли трапеция бўлиб, унинг катта томони замин, кичик томони эса тепалик дейилади. Тўғоннинг кўндаланг профили 1-расмда кўрсатилган. Тўғоннинг замини ҳар доим ҳам горизонтал эмас, унинг контури рельефга боғлиқ.




1-расм. Грунт тўғонининг кўндаланг профили

1, 7-юқори ва пастки қияликлар; 3,8- юқори ва қуйи қияликларини маҳкамлаш; 2- юқори қияликнинг бермаси; 4- маҳкамлашнинг тўхташ қисми; 5, 6,12- тўғоннинг тепаси, танаси ва асоси; 10-дренаж; 11-табиий замин юзаси.

Тадқиқот давомида йирик гидротехник иншоотларни лойиҳалаш, қуриш ва улардан фойдаланиш бўйича илмий, ишлаб чиқариш ва илмий-тадқиқот муҳандислик-геодезик ишларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича кўплаб тажрибалар ўрганилди. Шу билан бирга, тўлиқ миқёсда геодезик кузатувларни ташкил этиш ва ўтказиш, олинган натижаларни қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва шу асосда шунга ўхшаш гидротехник иншоотларнинг хавфсиз ишлаши бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш катта иқтисодий аҳамиятга эга. Тадқиқот давомида бир неча йиллар давомида Жиззах сув омборида олиб борилган илмий изланишларига кўра тўғонини геодезик усуллар билан кузатиш даврида чўкиши ва силжиши юзага келиши мумкинлиги тўлиқ кузатилган.

Баландлиги 25 м дан ортиқ бўлган тўғонининг чўкиши ва горизонтал силжишларини кузатиш учун кузатув-ўлчаш ускуналари сув омбори тузилмаларига 2-расмда кўрсатилган схема бўйича ўрнатилди.



2- расм. Приёмникларни ўрнатиш схемаси

Ушбу кузатувлар 2020 йилда бошланган ва 2023 йилгача давом этган. Кузатувлар ҳар йили уч марта, май ойининг биринчи ярмида максимал тўлдириш пайтида ва сентябрь ойининг охири ҳамда октябрь ойининг бошларида сув омборидаги сув сатҳининг минимал даражаси даврида олиб борилган.

Диссертациянинг «Гидротехник иншоотларни лойиҳалаш ва қуришда топо-геодезик ишларнинг аниқлигини асослаш» деб номланган иккинчи бобида Жиззах сув омборларини топографик жиҳатдан тадқиқ қилиш, чизикли гидротехника иншоотларини лойиҳалаш ва қуриш аниқлигини асослаш, сув хўжалиги қурилиши сифатини назорат қилиш ва I, II, III синфлар бўйича текислаш схемасини асослаш каби масалалар тадқиқ қилинган.

Жиззах сув омбори 1973 йилда қурилган. Сув омбори $13,75 \text{ km}^2$ майдонга эга бўлиб, узунлиги 3,3 km, кенглиги 5,12 km, энг чуқур жойи

22,4 m, тўла сув сиғими $88,4 \text{ mln m}^3$ ни ташкил этади. Сув омборига Сангзор ва Равотсой дарёларидан ва Эскитуятортар каналидан сув қуйилади. Ҳозирги пайтда Сирдарёнинг суви қўшимча каналлар ва насос станциялари орқали Жиззах сув омборига етказиб берилмоқда. Шу билан бирга Жиззах сув омбори Сангзор дарёсининг тошқин сувларидан ташқари эски Туятортар канали орқали Зарафшон дарёсидан ҳам сув олади. Меъёрида тўлган вақтда сув ҳажми $5787,5 \text{ mln m}^3$, майдони $13,75 \text{ km}^2$ дан ортиқ, узунлиги 3,3 km, энг кенг жойи 5,12 km ни ташкил этади. Ўрта чуқурлиги 20 m, энг чуқур жойи

70 m. Сув омборига эски Туятортар канали орқали $114,3 \text{ mln m}^3/$ йил ва Равотсойдан $5,1 \text{ mln m}^3/$ йил сув келиб қуйилади. Ҳудуддаги жами ер усти оқар сувларининг кўп йиллик ўртача сув сарфи $16 \text{ m}^3/\text{s}$ атрофида. Сангзор дарёси бутунлай ҳудуддан ташқарида сув йиғади ва оқиб ўтади. Фақат қуйи оқими Жиззах сув омборига қуйилиш қисми ҳисобланади. Тўйиниши ва сув режимига кўра Сангзор дарёси қор-ёмғир сувларидан тўйинади. Ўртача кўп йиллик сув сарфи $5-7 \text{ m}^3/\text{s}$, март-июль ойлари тўлин сув даври ҳисобланади. Сангзор дарёсининг сувлари асосан Жиззах сув омборига ва Жиззах шаҳри ҳамда уларнинг шимолий қисмидаги далаларини суғоришга сарфланади (3-расм, 1-жадвал).



3- расм. Жиззах сув омборининг амалдаги жойлашув харитаси

Жиззах сув омбори Жиззах воҳасини муттасил сув билан таъминлаш ва қўшимча ерларни суғориш мақсадида қурилган. У асосан Сангзор дарёсининг тошқин сувларини тўплаш ва тўлароқ фойдаланишни қўзлаб барпо этилган. Жиззах шаҳридан 9 км жанубий-шарқда Ёйилмасой жарлигида жойлашган. 1963-1973 йилларда қурилган.

1-жадвал

Жиззах сув омбори тўғонининг тавсифи

1.	Сув омбори тўғон баландлиги	25 m
2.	Сув омбори тўғон узунлиги	5,6 km
3.	Абсолют нуқтаси	374,5
4.	Тўғон тепаси кенглиги	8 m
5.	Тўғон асосининг кенглиги	200 m
6.	Берма кенглиги	4 m
7.	Тўғон қиялиги	1,3 – 1,4
8.	Босим	22 m
9.	Босимли қувури	D 1420 mm
10.	Сув чиқариш қобилияти	10 m ³ /s

Сув омборининг лойқаланиш ҳажми ва даражасини аниқлаш учун тизимли топографик тадқиқотлар олиб борилди. Бунда сақлаш даражаси ва ўлик ҳажм даражаси ўртасида жойлашган қирғоқ чизиғи ва сув босган қисми қирғоқ чизиқлари бўйлаб тахталарни ётқизиш тадқиқотларида ишлатиладиган усул билан амалга оширилади.

Ушбу усуллар билан сўровни амалга ошириш кесимларни бузиш ва тузатиш учун катта харажатлар билан боғлиқ бўлиб, улар муҳандислик ва геодезик тадқиқотлар тахминий қийматининг 25-40% ни ташкил қилади. Сув

омборлари қирғоқ соҳили геодезик таклиф усули (умумий станция ўхшаш) моҳияти нуқтаси Н, баландлиги геометрик текислаш билан белгиланади.

Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисидаги қонунни амалга оширишда кўриб чиқиладиган масаланинг аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда тадқиқотнинг асосий объекти сифатида қабул қилинган Жиззах сув омбори иншоотларининг вертикал чўкиши ва горизонтал силжишини геодезик кузатувлар ўтказиш ва таҳлил қилиш усули такомиллаштирилди.

Диссертациянинг «Гидротехника иншоотларининг чўкиши ва силжишини мониторинг қилиш усулини такомиллаштириш» деб номланган учинчи бобида чўкаётган грунтларда қурилган гидротехника иншоотларининг чўкмаларини тадқиқ қилиш, гидротехника иншоотининг чўкишини башорат қилишни ҳисоблаш формуласининг кўрсаткичларини тадқиқ қилиш ва замонавий геодезик технологиялар асосида гидротехника иншоотларининг чўкишини ва силжишини мониторинг қилиш бўйича таклиф ва тавсияларнинг устувор йўналишларига бағишланган.

Лаборатория шароитида гидротехник иншоотлар пойдеворининг чўкинди қийматлари башорати грунтларнинг чўкиш хусусиятларини ўрганишга асосланди. Бурғиланган чуқурнинг деворларидан олинган безовталанмаган тузилишга эга грунт намунаси ҳар бир метр қатламидан сиқиш синовларидан ўтказилди. Сиқиш эгри чизиклари формуласи асосида ҳар бир текшириладиган грунт қатламининг нисбий чўкиши аниқланди:

$$R = \frac{\varepsilon - \varepsilon_1}{\varepsilon}, \quad (1)$$

бу ерда: ε ва ε_1 - намлашдан олдин ва бир хил юк остида намлангандан кейин иншоот босими остида грунтнинг ғоваклилик коэффициентлари саналади.

Грунт қалинлигининг ер ости сувлари даражасига чўкишининг мумкин бўлган умумий миқдори ҳудуднинг геологик қисмига мувофиқ қатламларда қуйидаги формула асосида ҳисобланади.

$$S_i = \sum_{i=1}^n R_i h_i, \quad (2)$$

бу ерда: i - грунтнинг қатламлари, h_i - қалинлиги

Грунтнинг ғоваклилиги 45% дан ортиқ чўкиш кўрсаткичи ҳисобланади (2-жадвал).


2-жадвал

Ғоваклик коэффициентининг қийматлари %

Чуқурлик, м № кудук	1	2	3	4	5	6	7	8	9	Ўртача ε
24	51,5	51,4	47,2	41,8	47,1	38,1	41,7	41,1	43,7	44,84
17	45,5	47,0	47,2	45,2	37,8	42,1	35,0	-	-	42,82
9	46,5	47,2	47,2	48,2	44,7	46,8	47,6	42,2	43,0	45,93
4	53,5	48,0	49,3	46,5	43,0	45,0	44,6	46,5	51,4	47,53
21	45,3	47,2	43,7	47,0	42,0	45,7	37,9	49,5	45,1	44,2
6	49,0	48,7	50,0	51,5	51,0	46,0	46,1	45,8	44,5	48,16
13	52,3	49,6	45,6	43,2	45,5	38,2	42,6	45,4	45,2	45,25
Ўртача ε	49,2	48,4	47,1	46,3	44,4	43,1	42,2	45,0	45,4	45,6

Жадвалдан кўриниб турибдики, ғоваклилик коэффициентининг индивидуал ва ўртача қийматлари нафақат қатлам чуқурлигида, балки чуқурларда ҳам кўринадиган мунтазамликка бўйсунмайди. Бу ҳар хил турдаги грунтларнинг қатламланиши билан боғлиқ, баъзан ҳатто кичик майдон учун ҳам, бу мураккабликни ва шу билан бирга чўкишнинг лаборатория башоратлашнинг яқинлашишини кўрсатади.

Сув омбори ҳудудида жами 5 та нивелир тармоқлари ўрнатилган бўлиб, улардан 2 таси II-синф ва 3 таси III-синфга мансуб. Бундан ташқари ҳудудда жами 12 та реперлар тўғоннинг вертикал чўкиши ва горизонтал силжишини аниқлаш учун ўрнатилган. Лекин мазкур реперларнинг сони камлиги сабабли тадқиқотчи томонидан реперлар сонини 25 тага ошириб, жами 37 та реперлар орқали мониторинг қилиш ишларини олиб бориш имконияти яратилди (4-расм).




4-расм. Жиззах сув омборидаги нивелир тармоқлари ва реперларнинг жойлашув схемаси

Расмдаги 1,6,9,11,14,16,20,22,27,30,33,36-рақамдаги реперлар мавжуд реперлар саналади. Қолган реперлар янги лойиҳаланган реперлар .

Дастлаб тадқиқот ишлари ер усти лазер сканерларида олиб борилди. Одатда тўғон жойлашуви билан боғлиқ бўладиган жой мураккаблиги муҳандислик асбоб-ускуналари ва муҳим геодезик ўлчаш усулларини танлашни белгилайди. Даврий назорат тадқиқотларини амалга оширишда фойдаланиладиган тадқиқ қилиш инструментлари натижаларининг юқори даражада аниқлиги ва шаффофлиги билан тавсифланиши лозим. Замонавий ўлчаш асбоб-ускуналарининг яна битта устунлиги энг қисқа муддатларда ва оддий ўлчашлар билан катта миқдордаги кузатишларни бажара олиш, шу аснода ўлчанадиган бирликлар ўлчамини камайтира олиш имкониятидир. Сув муҳитининг яқинлиги маҳаллий иқлимий микро-шароитни туғдириб бу кутилган аниқликдаги кузатишларни бажариш учун доим ҳам қулай бўлавермайди. Бу интилишлардан фойдаланиш мониторинг қилинаётган тўғонларнинг деярли давомий нуқтали моделларни яратиш имкониятини беради. Бундай моделлар асосида бир қатор геометрик таҳлилларни бажариш ва батафсил маълумотларга эга бўлиши мумкин.

Сканер тахеометр каби масофа ва бурчакларни аниқлаштириб, ўлчанаётган нуқталарнинг кенглик координаталарини (x, y, z) белгилайди. Лазер нурларининг акс этиш жадаллиги қийматлари сканер томонидан ёзиб олиниб, бу “4-координаталар тизими” деб аталади ва бу компонентдаги мавжуд маълумотлар ўлчанган объект ҳақида қўшимча маълумотлар беради (5-расм).



5- расм. Жиззах сув омбори тўғонининг 3D лазерли сканерлаш натижалари

Тадқиқотлар мобайнида 700 m баландликдаги дрон 840 m га 560 m бўлган майдонни қамраб олган бўлса, бу 47,0 гектар ер майдонига тенг бўлди. 600 m баландликдаги дрон 720 m га 480 m бўлган майдонни қамраб олган бўлса, бу 34,5 гектар ер майдонига тенг бўлди. 400 m баландликдаги дрон 480 m га 320 m бўлган майдонни қамраб олган бўлса, бу 15,4 гектар ер майдонига тенг бўлади. 200 m баландликдаги дрон 240 m га 160 m бўлган майдонни қамраб олган бўлса, бу 3,84 гектар ер майдонига тенг бўлди (6-расм).

Тадқиқот ишида Жиззах сув омборини Phantom 4 Pro дрони ёрдамида суртага олиш ишлари ҳам олиб борилди. Дрондан олинган суратларнинг умумий сони 3589 тани ташкил этди. Бунда Жиззах сув омборининг умумий майдони қамраб олинди. Жиззах сув омборининг тўғони бўйича эса суратлар сони 593 тани ташкил этди. Мазкур тадқиқот ишига 8 соат давомида дрондан фойдаланилди.



6-расм. Дрон ёрдамида 200 метр баландликдан олинган сурат

Дрон ёрдамида олинган маълумотларни қайта ишлаш натижасида худуднинг уч ўлчамли моделини куриш имконияти ҳам мавжуд. Тажриба сифатида тадқиқ этилган Жиззах сув омборининг тўғонини дрон ёрдамида тадқиқот ишлари олиб борилиб махсус дастурий таминоат кўмагида уч ўлчамли модели курилди.

Дрон қийматларини қайта ишлашда Agisoft Metashape дастурий таъминотидан фойдаланилган бўлиб, мазкур дастур профессионал 3D-модел яратишга йўналтирилган замонавий асосланган ечим саналади. Ҳаракатсиз тасвирлардан сифатли 3D content яратади. Энг кўп ўлчамли 3D реконструкция технологиясига асосланиб, у тасодифий тасвирлар билан ишлайди ҳамда назорат қилинадиган ва назоратсиз шароитда самарали ҳисобланади. Agisoft Metashape дастури асосан растрларни қопланишини амалга ошириш орқали уч ўлчамли моделлар яратиш мумкин. Дастур қопланган растрлардан нуқталарнинг булутли тасвирини ҳосил қилади. Ҳосил бўлган булутли нуқталари бирлаштирилади, натижада сирт ҳосил бўлади. Сўнгра сиртга текстура берилади, шу тариқа уч ўлчамли моделлар яратилади.

Жиззах сув омбори тўғонининг уч ўлчамли моделини яратиш ишлари амалга оширилди. Agisoft Metashape дастурини ишга тушириб, дрон ёрдамида тасвирга олинган фотосуратлар юклаб олинди. Бош менюдан қайта ишлаш банди орқали суратлар тенглаштирилди. Тенглаштириш жараёнида суратлар автоматик тарзида бўйлама ва кўндаланг қопланади ва яхлит худуд визуаллашади.

Суратлар пикселидан нуқталарнинг булутли тасвири намоён бўлди. Сўнгра навбатдаги босқичда нуқталар интерполяция усулида кўпайтирилади натижада нуқталар сони кўпайиб сирт таранглашди. Сиртни реал ҳолга келтириш учун текстура берилди. Текстура берилгач лойиҳани курилма хотирасига сақлаш талаб этилади. Шу сабабли курилманинг хотирасига лойиҳа сақланди. Лойиҳа аниқлигини ошириш учун жойларда GNSS ёрдамида олинган координаталар асосида суратлар геофазовий боғланди ва масштабга келтирилиб, суратлар ориентирланди. Худуддаги бўшлиқлар ва шовқинларни аниқлаш учун DEM модели яратилди.

Шу тариқа дронда олинган суратларни қайта ишлаш ва худуднинг уч ўлчамли моделини куриш ишлари амалга оширилади. Ҳосил бўлган уч ўлчамли моделни горизонтал силжиши ёки вертикал чўкишини мавжуд реперлар ёрдамида кузатиш имконини беради.

Тадқиқотнинг навбатдаги жараёнида электрон тахеометр ёрдамида Жиззах сув омборининг вертикал чўкиши ва горизонтал силжиши ўрганилди. Бунда дастлаб худуд рекогносцировка қилиниб, Жиззах сув омбори худудининг абрисини шакллантирилди. Сув омбори худудида электрон тахеометрни ўрнатиш учун энг мақбул жойлар танлаб олинди. Худудда жами бўлиб 16 та база ва 1976 та отметка нуқталари олинди.

Съёмка ишлари якунлангач, ESC тугмачасини босиш орқали лойиҳадан чиқиб кетилди. Топографик съёмка ишларини бажаришда худудни тўлиқ қамраб олиш учун барча белгиланган базалардан туриб тахеометрда кузатиш талаб этилади. Шу сабабли тахеометрни иккинчи базага олиб бориб қуйидаги


кетма-кетлик асосида биринчи базага боғлаш ва топографик съёмка ишларини давоб эттириш амалга оширилди:

навбатдаги базага тахеометрни штатив орқали маҳкамлаб ишчи ҳолатга келтирилди;

турилган нуқтанинг қийматлари киритилди;

орқадаги боғланиш нуқтасининг координаталари киритилиб, нур қайтаргич ёрдамида санок олинди ва лойиҳа жойига ориентирланди.

Шу тариқа Жиззах сув омбори ҳудудининг топографик съёмка қилиш жараёни ўтказилди (7-расм).



7-расм. Жиззах сув омбори ҳудудини электрон тахеометр ёрдамида топографик съёмка қилиш жараёни

Съёмка ишларини қайта ишлаш ва тенглаштириш учун отметкалар ArcGIS дастурига юклаб олинди. Дастурий таъминотда отметкалар тенглаштирилиб абрисга кўра нуқталар бирлаштирилди ва ҳудуднинг чизмаси ҳосил бўлди. Баландлик қийматлари асосида интерполяция усулида ҳудудининг горизонталлари яратилди ва шу тариқа Жиззах сув омборининг 1:10000 масштабдаги топографик харитаси тузилди.

Яратилган топографик харита асосида сув омбори тўғонидаги реперлар ёрдамида тўғоннинг вертикал чўкиши ва горизонтал силжиши кузатиб борилди.

Юқорида келтирилгани каби тўғоннинг вертикал чўкиши ва горизонтал силжишини кузатиш ишлари йилига уч маротаба олиб борилган бўлиб, тадқиқотлар 2020-2023 йиллар оралиғида амалга оширилган.

Яқуний дала тадқиқот ишларини олиб боришда оптик нивелирдан фойдаланилган бўлиб, нивелир ёрдамида тўғоннинг вертикал чўкиш бўйича мониторинг ишлари 2020-2023 йиллар оралиғида май, сентябрь ва ноябрь ойларида олиб борилди.

Бунда оптик нивелирда нивелирлашда нивелир рейкалари II-III синфдаги 5 та тармоқда, жами 37 та реперга ўрнатилиб, саноклар олинди ва натижалар ҳисобот шаклида шакллантирилиб борилди.

Тўғон атрофида ўрнатилган II ва III-синф баландлик тармоқларига боғланган ҳолда мониторинг ишлари назорати олиб борилди. I-Rp ва V-Rp га ёрдамчи баландлик тармоғи II-Rp саналиб, мазкур баландлик тармоқлари III-синфга мансуб. Мазкур баландлик тармоқларини назорат қилиш ишлари III-Rp ва IV-Rp II-синфдаги баландлик тармоқлари саналади. 1 дан 37 рақамлардаги реперлар IV-синфга мансуб.

Натижалар таҳлили шуни кўрсатадики, лазер сканери юқори аниқликдаги вертикал ва горизонтал қийматларни тақдим этди. Ер усти лазер сканери ± 3 мм аниқликда вертикал чўкиши ва горизонтал силжишларни аниқлаш имкониятини тақдим этди (3-жадвал).

3-жадвал

Сув омбори тўғонининг вертикал чўкишини ва горизонтал силжишини мониторинг қилиш бўйича тавсиялар жадвали

Таснифи	Лазер сканери	GNSS	Дрон	Электрон тахеометри	Оптик нивелири
Аниқлиги, 1 км	$\pm 1-5$ mm	$\pm 10-30$ mm	$\pm 10-25$ mm	$\pm 5-10$ mm	$\pm 3-7$ mm
Нуқталар сони, 1 сек.	976 минг та	1 та	15 минг та	1 та	1 та
Вертикал қийматдаги аниқлик, мм	± 3 mm	± 40 mm	± 22 mm	± 8 mm	± 5 mm
Горизонтал қийматдаги аниқлик, мм	± 3 mm	± 15 mm	± 12 mm	± 7 mm	
Тавсия, мониторинг учун мослиги	100%	10%	20%	35%	50%

Тадқиқотнинг таҳлилларига кўра, 3D лазер сканери, GNSS, дрон, электрон тахеометр ва оптик нивелир каби геодезик қурилмаларда Жиззах сув омборининг вертикал чўкиши ва горизонтал силжишини мониторинг қилиш орқали натижалар таққосланди. Бунда, 3D лазер сканери 1 km масофага нисбатан $\pm 1-5$ mm аниқликдаги қийматларни тақдим этган бўлса, GNSS $\pm 10-30$ mm, дрон $\pm 10-25$ mm, электрон тахеометр $\pm 5-10$ mm ва оптик нивелир $\pm 3-7$ mm аниқликдаги қийматларни олиш имконини берди. Нуқталар сони бўйича 1 сония ичида реперларнинг қийматини аниқлашда 3D лазер сканери 976 минг та, GNSS 1 та, дрон 15 та, электрон тахеометр 1 та ва оптик нивелир 1 та нуқтанинг координатларини аниқлаш имконини берди. Асосий кўрсаткичлар бўлган Жиззах сув омборининг вертикал чўкиши ва горизонтал силжишини ҳисоблаш аниқлиги бўйича 3D лазер сканери вертикал бурчакка нисбатан ± 3 mm ва горизонтал бурчакка нисбатан ± 3 mm аниқликдаги қийматларни тақдим этган бўлса, GNSS вертикал бурчакка нисбатан ± 40 mm ва горизонтал бурчакка

нисбатан ± 15 mm, дрон вертикал бурчакка нисбатан ± 22 mm ва горизонтал бурчакка нисбатан ± 12 mm, электрон тахеометр вертикал бурчакка нисбатан ± 8 mm ва горизонтал бурчакка нисбатан ± 7 mm ва оптик нивелир вертикал бурчакка нисбатан ± 3 mm аниқликдаги натижаларни тақдим этди.

GNSS қурилмаси ёрдамида вертикал қийматларни аниқлаш самарадорлиги паст бўлган кўрсаткичларни берган бўлса, дрон ёрдамида олинган натижалар асосида вертикал чўкиш ва горизонтал силжишларни мониторинг қилиш тавсия этилмайди. Шу билан бирга оптик нивелир ёрдамида горизонтал қийматларни аниқлаш имкони йўқ. Натижада ер усти (3D) лазер сканери ёрдамида аниқлиги юқори бўлганлиги учун гидротехника иншоотларининг вертикал чўкиши ва горизонтал силжишини мониторинг қилиш тавсия этилади.

ХУЛОСАЛАР

“Замонавий геодезик технологиялар асосида гидротехника иншоотларининг чўкишини ва силжишини мониторинг қилиш усулини такомиллаштириш (Жиззах сув омбори мисолида)” мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертация бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

тўғон кўрсаткичларидан келиб чиқиб, грунтли тўғон баландлиги 100 m ва ундан ортиқ бўлганда I-синфига, 70-100 m оралиғида бўлганда II- синфига; 40-70 m оралиғида бўлганда III-синфига 25-40 ва 25 m дан кам бўлгани IV-синфига бўлиниши тадқиқотлар натижасида аниқланди.

геодезик тармоқларни сунъий йўлдош ўлчашларидан фойдаланиб қуришда ёпиқ геометрик полигон ва радиал тармоқлар асосида приёмникларни ўрнатиш схемаси ишлаб чиқилди. Натижада, III ва IV синф зичлаш тармоқларида қайта ўлчаш ишлари 50% дан кам бўлмаган қийматга камайтирилди.

қурилиш меъёри ва қоидаларига асосан гидротехника иншоотлар қисмларининг вертикал чўкиши ва горизонтал силжишини кузатиш тошлоқ ва ярим тошлоқ жойларда қурилган иншоотлар учун 1 mm, қумлоқ грунт ва бошқа сиқилувчан грунтда қурилган иншоотлар учун 3 mm, тошлардан кўтарилган юқори босимли тўғонлар учун 5 mm ҳамда чўкувчан ва кучли сиқилувчан грунтларда қурилган иншоотлар учун 10 mm қийматдан ошмаслиги лозим эканлиги таҳлил қилинди.

Жиззах сув омборининг электрон 1:10000 масштабдаги рақамли харитаси геомаълумотлар базасида шакллантирилди. Шу билан бирга сув омборининг умумий тавсифи ўрганилиб, жами 13,75 km² сув йиғиш имкони борлиги ва 15 минг гектар ер майдонига сув етказиш имконияти борлиги аниқланди.

лойиха режасининг горизонтал чизиқларини интерполяция қилиш натижасида олинган нуқталарнинг баландликларидан фойдаланган ҳолда гидротехник ҳисоб-китоблар натижасида чизиқли гидротехника иншоотлари йўналишлари ёнбағирларини лойиҳалашнинг аниқлиги $m_{ip} = 0,12 i_{np}$ га тенг эканлиги исботланди.

қурилиш сифатини меъёрий ҳужжатлар, стандартлар, техник шартлар, тавсиялар, шунингдек, лойиҳа ҳужжатларидаги кўрсатмалар тизими билан аниқ тартибга солиш тартиби тизимлаштирилди.

тўғоннинг горизонтал силжиши охириги ва биринчи циклларнинг назорат белгиларининг координаталари ўртасидаги фарқлар сифатида аниқлаш учун Жиззах сув омбори тўғонининг чўкинди диаграммаси ишлаб чиқилди.

чўкаётган грунтларда қурилган гидротехник иншоотларнинг чўкмаларини ўрганиш бўйича ғоваклик коэффициентининг қийматлари аниқланди.

гидротехника иншоотининг чўкишини башорат қилиш учун ҳисоблаш формуласининг кўрсаткичларини аниқлаш бўйича эмпирик формулалар шаклида маълумотларни умумлаштириш ва силжиш ва чўкиш жараёнини аниқ тавсифлашнинг илмий ва амалий тадқиқотлари орқали амалга ошириш борасида тавсиялар ишлаб чиқилди.

Жиззах сув омбори ҳудудининг рақамли харитаси тузилди ва Жиззах сув омбори тўғонининг рақамли кўринишда уч ўлчамли модели яратилди.

Жиззах сув омбори тўғонининг вертикал чўкиши ва горизонтал силжишини мониторинг қилиш самарадорлигини ошириш мақсадида 12 та репер ўрнатилган назорат реперлари сонини 37 тага етказилди (25 та репер янги қурилди).

Жиззах сув омборлари тўғонини вертикал чўкиши ва горизонтал силжишини мониторинг қилиш бўйича тавсиялар жадвали ишлаб чиқилди. Бунга кўра, ер усти лазер сканери ± 3 mm аниқликда, GNSS қурилмаси $\pm 14 - \pm 40$ mm аниқликда, дрон қурилмаси ± 12 mm - ± 22 mm аниқликда, электрон тахеометр ± 7 mm - ± 8 mm аниқликда ва нивелир ± 5 mm аниқликда мониторинг ишларини олиб бориши тадқиқотлар натижасида аниқланди.

тадқиқот натижасида ер усти лазер сканери ёрдамида ўлчаш аниқлиги юқори бўлганлиги учун гидротехника иншоотларининг чўкиши ва силжишини мониторинг қилиш тавсия этилади.

тўғоннинг чўкиш ва силжишини аниқлашда замонавий геодезик асбоб ва технологиялардан фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПРИ НАУЧНОМ СОВЕТЕ
DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
“ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И
МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА”**

**НАЦИОНАЛЬНЫЙ ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ
“ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И
МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА”**

РАЖАПБАЕВ МАКСУД ХАЛЛИЕВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДА МОНИТОРИНГА ПРОСАДОК И
СМЕЩЕНИЯ ГИДРОТЕХНИЧЕСКИХ СООРУЖЕНИЙ НА ОСНОВЕ
СОВРЕМЕННЫХ ГЕОДЕЗИЧЕСКИХ ТЕХНОЛОГИЙ
(на примере Джизакского водохранилища)**

11.00.06 – Геодезия. Картография

**АВТОРЕФЕРАТ ДИСЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2024

Тема диссертации доктора философии (PhD) по зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, наука и инноваций Республики Узбекистан за номером B2024.1.PhD/T4542

Диссертация выполнена в Национальном исследовательском университете “Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства”.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу (www.tiame) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Нурматов Эркин Хайитматович
кандидат технических наук, доцент

Официальные оппоненты:

Янгиев Асрор Абдихамидович
доктор технических наук, профессор

Исаков Эркин Хужаерович
кандидат технических наук, профессор

Ведущая организация:

**Национальный университет Узбекистана
имени Мирзо Улугбека**

Защита диссертации состоится «___» _____ 2024 года в _____ часов на заседании Разового научного совета при научном совете DSc.03/30.12.2019.T.10.02 при Национальном исследовательском университете “Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства” по адресу: 100000, г. Ташкент, ул. Кары-Ниязий 39, тел.: (+99871) 237-09-71, факс (+99871) 237-54-79, e-mail: admin@tiame.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального исследовательского университета “Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства” (регистрационный номер № _____). Адрес 100000, г. Ташкент, ул. Кары-Ниязий 39, тел.: (+99871) 237-19-45.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2024 года
(реестр протокола рассылки № _____ от «___» _____ 2024 года).

А.Т. Салохиддинов

Председатель Разового научного совета по
присуждению учёных степеней, д.т.н., профессор

Ф.А. Гаппаров

Ученый секретарь Разового научного совета по
присуждению учёных степеней, д.т.н., профессор

Э.Ю. Сафаров

Председатель Разового научного семинара при научном
совете по присуждению учёных степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день в мире и в различных его регионах насчитывается более 40 000 водоемов, особое внимание уделяется вопросам безопасного и эффективного их использования, а также эксплуатационной надежности сооружений и продления срока их службы. В настоящее время в развитых странах «...необходимо обосновать эксплуатационную надежность существующих объектов обеспечения безопасности водоемов»³. В связи с этим особое внимание уделяется созданию цифровой модели гидротехнических сооружений, формирование базы геоданных, определение вертикальных просадок и горизонтальных смещений гидротехнических сооружений на водохранилищах, повышению операционной эффективности на основе оперативной оценки с помощью современных геодезических технологий.

По этой причине сейчас особое внимание уделяется обеспечению безопасности водохранилищ и регулярному контролю за их техническим состоянием. В связи с этим одним из важных вопросов является мониторинг гидротехнических сооружений на крупных водохранилищах, их вертикальных осадок и горизонтальных смещений.

В настоящее время в большинстве развитых стран особое внимание уделяется актуальным научно-практическим проблемам в области геодезии и картографии, при создании цифровой модели гидротехнических сооружений, формировании базы геоданных, выводе из эксплуатации аварийных гидротехнических сооружений, совершенствовании метода мониторинга осадок и смещений гидротехнических сооружений.

В мире особое значение приобретает проведение целевых научных исследований, направленных на совершенствование методов мониторинга за использованием и реконструкцией, капитальным ремонтом, восстановлением или консервацией гидротехнических сооружений, процессами горизонтального и вертикального оседания гидротехнических сооружений с использованием современных геодезических инструментов. В этой сфере одной из важных задач является обеспечение безопасности населения путем мониторинга вертикальных проседаний и горизонтальных перемещений гидротехнических сооружений на основе цифровых технологий.

Сегодня в нашей стране на основе современных геодезических технологий реализуются комплексные мероприятия по совершенствованию метода контроля оседаний и смещений гидротехнических сооружений, согласно Постановлению⁴ Кабинета Министров Республики Узбекистан №792 от 17 декабря, 2020 «Постоянное проведение инструментальных сейсмологических наблюдений на водоемах, расположенных в сейсмически активных районах республики. В соответствии с требованиями, изложенными в Постановлении о внедрении системы повышенного сейсмологического

